Alisher Navoiy

# НОМЗОДЛАРИМИЗГА ОВОЗ БЕРИНГ!

MILLIY TIKLANISHDAN — MILLIY YUKSALISH SARI

# MILLIY TIKLANISH

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

O'zMTDP — www.mt.uz

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси нашри

№ 50 (1048) 2019 йил 18 декабрь, чоршанба

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

Адади 20 200





ИХТИЁРИЙ-МАЖБУРИЯТ АМАЛИЁТИГА ЧЕК ҚЎЙИЛАДИМИ? 3 с

ЭРКИНЖОН ТУРДИМОВГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛЯПТИ 2 с

# ЎЗБЕКИСТОН – ЯПОНИЯ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЯПОНИЯ БОШ ВАЗИРИ СИНДЗО АБЭНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН 17 ДЕКАБРЬ КУНИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН УШБУ МАМЛАКАТГА ЕТИБ КЕЛДИ.**

Тюбу халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Япония расмий доиралари вакиллари кутиб олди.

Япония – Ўзбекистоннинг стратегик шериги. Бундан 28 йил муқаддам – 1991 йил декабрь ойида Кунчиқар мамлакат Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган эди. 1992 йил январь ойида мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Шундан буён дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик муносабатлари изчил ривожланиб, мустаҳкамланиб бормоқда.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 18 декабрь куни бошланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Нагоя ва Токио шаҳарларида қатор икки томонлама учрашув ва тадбирлар ўтказади.

Нагояда Аичи префектураси ва шаҳар мэрияси раҳбарлари билан музокаралар бўлиб ўтади. Шунингдек, Нагоя университетига ташриф буюриш кўзда тутилган.

Шу куниёқ Япония Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Таро Асо, парламентдаги «Ўзбекистон-Япония» дўстлик лигаси фаоллари ҳамда Япониянинг етакчи компания ва банклари вакиллари билан учрашувлар ўтказилиши режалаштирилган.

Маданият

## ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

**Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрида "Мақом йўлларида яратилган энг яхши асар" республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Тантанали тадбирда сўзга чиққан Ўзбек миллий мақом санъати маркази бош директори Соибжон Бегматов бугунги кунда мақом санъати ривожи йўлида қилинаётган ишлар ҳақида гапирди.

Бу йил илк бор ўтказилган мазкур танлов ўзбек мусиқа ижрочилиги маданиятини янада юксак даражага кўтариш, миллий мақом санъатимизни дунё саҳнасига олиб чиқиш, иқтидорли ёшларни кашф этиш, рағбатлантириш ва уларнинг ижодини тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилди.

Мутахассислар фикрича, танлов, ўз навбатида, мақом ижрочиларининг истеъдоди ва ижодий қобилиятини кенг намоён этиш, уларнинг ижрочилик кўникмаларини янада ривожлантириш, ижодкорлар орасида мақом санъатига бўлган қизиқишни оширишга ҳам хизмат қилади.

– Танловда «Сегоҳ» мақом йўлида яратилган асаримиз билан иккинчи ўринни қўлга киритдик, – деди Ўзбекистон халқ ҳофизи Эркин Рўзиматов. – Мақомга қанчалик яқинлашган сайин уни шунчалар кучли англайсан, бутун борлиғинг билан ҳис қилиш даражасига эришасан. Мақом шундай нодир нарсаки, у киши қалбини маҳв этади, сўнг эзгулик сари бошлайди. Мана 40 йилдан буён шу санъатнинг сеҳрига ошуфта бўлиб юрибмиз. Танловларнинг катта-кичиги бўлмайди. Ижодкорга оддий рағбат ҳам бир дунё илҳом беради.

Танловда бастакорлар ўртасида "Мақом йўлларида яратилган энг яхши асар", композиторлар ўртасида "Миллий мақомлар асосида яратилган замонавий йўналишдаги энг яхши саҳна асари", мусиқашунослар ўртасида «Мақом соҳасида яратилган китоблар" йўналишлари бўйича ҳам ғолиблар тақдирланди.

Танлов ғолиблари диплом ва пул мукофоти билан тақдирланди. Ғолиблар 2020 йил сентябрь ойида II Халқаро мақом санъати анжуманида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

"Мақом йўлларида яратилган энг яхши асар" республика танлови икки йилда бир марта ўтказилади.

**Дилобар МАМАТОВА, ЎзА мухбири**

## БОЛА АСРАБ ОЛИШ ОСОНМИ?

3-бет



## ЖАВОБ ҚОНИҚАРЛИ ЭМАС!

3 с

## ҚАЛБГА ЯҚИН ПАРТИЯ

2 с

## Бу сафарги хато кечирилмайди

6 с

## «ИНҚИЛОБИЙ» МУВАФФАҚИЯТ ОРТИДА КИМ ТУРИБДИ?



**Манбаларда ёзилишича, Сёсоин даври маданияти ривожида Марказий Осиёнинг таъсири катта бўлган, шу боис Кунчиқар мамлакатдаги Марказий Осиёга оид мерос Буюк ипак йўлининг қимматли хазинаси ҳисобланади.**

## Ўзбекистон – Япония:

# МАДАНИЙ МЕРОС ХАЛҚЛАРИМИЗ ДЎСТЛИГИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙДИ

**Буюк ипак йўли қадимдан Ўзбекистон ва Кунчиқар мамлакат ўртасида маданий алоқалар юзага келиши ва ривожланишига замин яратган. Бугунга келиб мазкур ҳамкорлик замонавий, икки томонлама манфаатдорликка асосланган ҳолда давом этмоқда. Бу ҳақда Токиода ташкил этилган “Ўзбекистон ва Япония – Буюк ипак йўлида” халқаро конференциясида алоҳида таъкидланди.**

Тадбир Ўзбекистон маданий меросини сақлаш, тадқиқ этиш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти, Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонаси ташаббуси билан бир қатор давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар кўмагида ташкил этилди. Унда таниқли олимлар, экспертлар миллий маданий алоқаларни оммалаштириш юзасидан фикр алмашди, чуқур таҳлилга эга маърузалар қилинди.

Тадбирда “Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида” туркумидан “Марказий Осиё маданий мероси Япония тўпламларида” китоб-альбомининг тақдимоти ўтказилди. Китоб ўзбек, япон, рус ва инглиз тилларида чоп этилган бўлиб, унда Япония музейларида сақланаётган экспонатлар ва тарихга оид қимматли маълумотлар жамланган. Бу китоб орқали Кансай минтақасидаги Киото, Сига, Нара ва Токиодаги музейларда сақланаётган Ўзбекистонга оид экспонатлар билан танишиш мумкин.

– Бу китоб-альбом мамлакатларимизнинг ўтмиши ва бугуни ҳақида ҳикоя қилади. Ундаги ҳар бир маълумот мозийнинг бир бўлагидир, – деди Сёсоин император хазинаси собиқ директори Ёнэда Юсукэ. – Китобнинг яна бир қимматли жиҳати, унга Президент Шавкат Мирзиёев сўзбоши ёзган. Ушбу сўзбошида ўзбек ва япон халқларининг қадимий тарихи ва бой маданияти ҳақида қимматли фикрлар билдирилган. Ўйлайманки, бундай маданий алоқалар дўст мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга замин яратади.

Манбаларда ёзилишича, Сёсоин даври маданияти ривожида Марказий Осиёнинг таъсири катта бўлган, шу боис Кунчиқар мамлакатдаги Марказий Осиёга оид мерос Буюк ипак йўлининг қимматли хазинаси ҳисобланади.

Тадбир доирасида япониялик машҳур олим Кюдзо Като ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кўргазма очилди. Маросимда мамлакатларимизнинг маданий ҳамкорлигида Кюдзо Катонинг алоҳида ўрни борлиги таъкидланди.

Кюдзо Като номи дунё шарқшунослари ва археологлари орасида жуда машҳур. У умрининг катта қисмини Ўзбекистон ҳудудидаги археологик тадқиқотларга бахш этган. Атоқли олим юртимиз тарихи, маданияти ҳақида кўплаб асарлар ёзган, ўзбек олимларининг китобларини япон тилига таржима қилган. У 2016 йил 94 ёшда Термиз шаҳрида вафот этган эди.

Япониялик олимнинг хотираси мамлакатимизда абадийлаштирилган. Бугун Термиз шаҳрида Като номи билан аталадиган кўча ва мактаб бор.



– Ўзбекистонда ҳаётимнинг энг гўзал дамлари ўтган, – деди Кюдзо Катонинг рафиқаси Садако Като. – Японияни Кунчиқар мамлакат дейишади, лекин мен қуёшли диёр – Ўзбекистонда ўз уйимнинг тафтини ҳис қилганман. Турмуш ўртоғим билан юртингизнинг кўп жойларида бўлганмиз, унинг гўзаллиги, одамларининг меҳрибон ва меҳмондўстлиги мени мафтун этган. Мана бу кўргазмани кўриб, Ўзбекистон ҳақидаги хотираларим жонланди, бунинг учун ўзбекистонлик дўстларимга чин юракдан ташаккур айтаман.

Тадбир доирасида юртимиз уста ҳунармандлари иштирокида маҳорат дарслари ташкил этилди. Шунингдек, медиа-ивент давомида юртимизнинг иқтисодий ва сайёҳлик салоҳиятига оид фильмлар тақдимоти ўтказилди. Япониялик ижодкорлар томонидан тайёрланган концерт намойиш этилди.

Ушбу тадбирларга келганлар ўзбек пазандалиги намуналари, миллий анъана ва қадриятларимиз билан танишиш имконига эга бўлди.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**ЎзА махсус мухбири**

---

## Сайловчилар билан учрашув



# ЭРКИНЖОН ТУРДИМОВГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛЯПТИ

**Бўлажак сайловларда кутилган даражада овоз олиш вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари учун унчалар қийин эмасдек туюлиши мумкин. Аммо бу галги сайловларга тайёргарлик жараёнлари ҳар бир сайловчи овози учун муросасиз кураш кечишидан далолат бермоқда.**

Тўғри, айрим экспертлар ҳали-хануз баъзи бир ҳокимларда ички хотиржамлик, ўзига ишонч сезилаётганини таъкидламоқдалар. Аммо “Миллий тикланиш” демократик партиясидан кўрсатилган номзодлар ўз сайловолди учрашувларида ҳалол рақобат тарафдори эканликларини намойиш қилмоқдалар.

2-Афросиёб сайлов округидан халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига номзоди кўрсатилган Эркинжон Турдимов ҳам шу кунгача бир неча учрашувлар ўтказди. Самарқанд давлат университети қошидаги академик лицейда ташкил этилган навбатдаги учрашув ҳам очиқ ва ошкора мулоқотлар асосида кечди. Учрашувни “Миллий тикланиш” демократик партияси Самарқанд вилоят Кенгаши раиси ўринбосари Азимжон Солиев олиб борди ва сайловчиларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди. Шундан сўнг Эркинжон Турдимов ўз дастурида шаҳар аҳолиси турмуш фаровонлигини ошириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, миллий маънавиятимизни юксалтириш, Самарқанддек улкан тарихга эга шаҳарнинг маданий обидаларини асраб-авайлаш, туризмни ривожлантириш масалалари устувор вазифа сифатида белгилаб олинганини таъкидлади. Бу борада амалга оширилиши режалаштирилаётган истиқболли лойиҳалар ва уларнинг самаралари хусусида атрофлича маълумот берди.

Номзод, шунингдек, Самарқанд шаҳрида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, йўлларни таъмирлаш ва ободонлаштириш, тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш борасидаги ишларга ҳам тўхталди. Хусусан, кейинги 10 йилда шаҳарда бор-йўғи 130 км. ички йўллар таъмирланган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 180 км.га етказилгани, бундай ишлар 2020 йилда ҳам жадал давом этишини қайд этди.

Учрашувда сайловчилар айрим масалалар юзасидан номзодга мурожаат қилдилар. Мурожаатлар асосан электр симларини янгилаш, ҳажга борувчиларнинг электрон навбатини шакллантириш, бозорларни тартибга келтириш, шаҳар четкаларида автотураргоҳлар ташкил этиш масалаларидан иборат бўлди. Шундан сўнг Эркинжон Турдимов сайловчиларни қизиқтирган бошқа саволларга жавоб қайтарди. Таҳлилчиларнинг фикрича, аксарият сайловчилар “Миллий тикланиш” партияси номзодлари илгари сураётган ташаббусларни қўллаб-қувватламоқдалар.

“Миллий тикланиш” демократик партияси Самарқанд вилоят Кенгаши вакилларининг маълум қилишларича, Э.Турдимов 22 декабргача яна бир нечта учрашув ўтказади.

**Ёлқин ОҚБЎТАЕВ,**
**ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши матбуот котиби**

---

## Эътироф







# ҚАЛБГА ЯҚИН ПАРТИЯ

Партия номланишининг ўзиёқ алоҳида воқеа эди, зеро “миллий” сўзи қанчалар дилга, кўнгилга, тафаккуримизга яқинлигини таърифлаш ортиқча. Шунга қарамай, партиянинг оммалашуви осон кечмади. Ҳали шўро давридан қолган комфирқа оқавалари ёддан кўтарилиб улгурмаган, янги давр-янги замон партияси буткул ўзгача мақсад-маслакларни олдига қўйганини кенг оммага тушунтириш учун вақт, фурсат керак эди.

Партиянинг мавжудлиги “Миллий тикланиш” газетасида кўзга ташлана бошлади. Газета бирдан жамоатчилик эътиборини қозонди, ҳар сафар унинг янги сонини орзиқиб кутадиганлар, қўлма-қўл ўқийдиганлар кўпайди. Бунинг боиси бош муҳаррир Иброҳим Ғафуровнинг номи билан боғлиқ эди. Иброҳим ака атоқли адабиётшунос олим, моҳир таржимон, матбуот соҳасида ниҳоятда катта тажрибага эга интеллектуал инсон эди. Газета саҳифаларида босилаётган миллий қадриятларимиз, ўтмиш маънавий меросимиз, тарихимиз, бугунимиз ва ҳоказо мавзуларга бағишланган мақолалар, суҳбатлар пировардида “Миллий тикланиш” партияси тарғиботчисига айлана борди. Сафимиз асосан зиёлилар ҳисобига кенгайди.

“Миллий тикланиш” ўз сафига зиёли инсонларни бирлаштирувчи, зиёли ғояларни тарғиб этувчи, халқимиз ҳаётини зиё нури билан ёритиш орзусидаги партия сифатида ҳурмат қозонди.

Сиёсий партия сафлари кимларнинг ҳисобига ва қай тариқа кенгая бошлагани алоҳида мавзу. Гап шундаки, менинг назаримда, сиёсий партия сафидаги таниқли зиёлилар, жамоатчилик орасида эътиборга сазовор шахслар аъзолар сонининг кўпайиб боришида жиддий омил ҳисобланадилар. Шахсан ўзим партиямиз Марказий кенгаши раиси атоқли адабиётшунос олим, академик Азиз Қаюмов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, адабиётшунос ва таржимон Иброҳим Ғафуров, фалсафа фанлари доктори Виктор Алимасов, йирик сиёсатшунос олим Муқимжон Қирғизбоев, Рустам Жумаев сингари фаолларга бўлган ҳурматим туфайли “Миллий тикланиш” аъзолигига жазм этдим.

Дастлабки йиллар ниҳоятда оғир кечди. Молиявий муаммоларни бартараф этмай туриб, партия ғояларини вилоятларга, олис туманларга ёйиш, лоақал газетамизни мунтазам чоп этиш мушкул эди. Лекин партия раҳбарлари ҳам, жонкуяр ва фидойи хайрихоҳлар ҳам энг қийин дамларда сабот сақладилар, некбинликни бой бермадилар.

2005 йилга келибгина мамлакатимизда илк бора сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштириш ҳақидаги қонун амалга ошди. Бугунги кундаги “Миллий тикланиш” демократик партиясининг қад-қомати, миқёси, ёйган қулочини кўриб баҳри дилингиз яйрайди. Бугун бизнинг партиямизни республиканинг барча вилоятларида, туман ва шаҳарлар, қишлоқларида билишади. Эндиликда чорак асрлик тажрибага эга “Миллий тикланиш” бақувват партия, рақобатбардош партия, халқимиз ҳаётини янада юксакликларга кўтаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, янада муҳими, кўплаб ватандошларимизнинг дилига, кўнглига яқин, самимий муҳаббатга сазовор партия!

**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,**
*(2004-2008 йилларда ЎзМТДП МК раиси)*

**Ҳақли бир савол туғилади: давлат, вазирлик ёки ҳокимликлар томонидан амалга оширилган ишлар, уюштирилган тадбирларни партиялар ўзиники қилиб кўрсатишга уринаётганини қандай изоҳлаш мумкин?**



«Nuroniy» газетаси томонидан сиёсий партияларга йўлланган «Нуронийлар манфаатини қандай ҳимоя қилмоқчисиз?», деган саволга қайтарилган жавоблар бу борада сиёсий партияларда дастурий режалар йўқлигини кўрсатди.

# ЖАВОБ ҚОНИҚАРЛИ ЭМАС!

Маълумки, Конституциямизнинг 56-моддасига биноан, сиёсий партиялар жамоат бирлашмаси ҳисобланади. Бас, шундай экан улар кимлардир ижтимоий ёки молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун тегишли ресурсга эга эмаслар. Ана энди ҳақли бир савол туғилади: давлат, вазирлик ёки ҳокимликлар томонидан амалга оширилган ишлар, уюштирилган тадбирларни партиялар ўзиники қилиб кўрсатишга уринаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

O'zLiDeP сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Дилшод Шоумаров юқоридаги



саволга жавоб сифатида Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 августдаги «Кексалар ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва ушбу қарор доирасида амалга оширилган ишларни мисол қилиб келтирганлар. Менимча, бундай «далиллар»нинг партияга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

«Адолат» СДП етакчиси эса «ёши улуғ одам учун тиббиёт муассасалари бўйлаб сарсонгарчилик, поликлиникада узундан-узоқ навбат кутиш, даволаниш илинжида қишлоқдан шаҳарга бориш катта қийинчилик туғдиради. Айни шу



жиҳатни инобатга олиб, сайловолди Дастуримизга тиббиёт соҳасига замонавий ахборот коммуникация воситаларини жорий этиш ғоясини киритдик. Бу аҳоли, айниқса, нуронийлар учун айни муддаодир», деган фикрни билдирибди.

Шу ўринда яна бир ҳақли савол туғилади. Наҳотки, «Адолат»да соҳага ахборот коммуникация воситаларини жорий этиш учун молиявий имконият бор? Партия етакчисининг «кексалар, ногиронларни уйида парвариш қилувчи, туну кун улар хизматида ҳозир бўлувчи кишилар белгиланди. Уларнинг меҳнат дафтарчасига эга бўлиши, ишли, деб эътироф этилиши ва пенсия билан таъминланишига эришилди», деган фикрлари эса умуман мантиққа зиддир. Шу ўринда қачондан буён сиёсий партия тўғридан-тўғри Меҳнат кодексига ўзгартиш киритиш ҳуқуқига эга бўлиб қолди, дегинг келади?

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Меҳрожиддин Дархонов эса партия томонидан нуронийлар манфаати ҳимоя қилинаётганини кўрсатиш учун қуйидаги мисолни келтиради: «Партиямиз тизимида «Кексаларимиз фаровон ҳаёти учун масъулмиз!» лойиҳаси ҳамкор



ташкилотлар (қандай ҳамкор ташкилотлар?) билан бирга самарали амалга ошириб келиняпти. Лойиҳа доирасида биргина Навоий вилоятининг Конимех туманида ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг 14 нафарига соғлиғини тиклаш учун туман тиббиёт бирлашмаси орқали бепул йўлланма, 28 нафарига реабилитация ва техник воситалар, 6 нафарига эса 4 468 600 сўмлик озиқ-овқат ва бошқа керакли маҳсулотлар олиб берилган».

Биринчидан, ушбу маблағлар партияга тегишли эмас. Иккинчидан, республика аҳамиятига молик партия 48 кишига берилган озгина ёрдамни пеш қилиши миллий қадриятларимизга нечоғлик мос келади? Учинчидан, ёрдам нуронийларга эмас, балки ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга кўрсатилган (тўғри, улар орасида бир неча нуроний бўлиши ҳам мумкин). Қолаверса, мамлакатда истеъмол саватчаси ва яшаш минимуми меъёрлари жорий қилинмагани билан боғлиқ муаммолар янгилик эмас, ушбу масала журналист ва блогерлар томонидан ҳам кўтарилган.

Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Ислом Хушвақтовнинг билдиришича, партия «келгусида нуронийлар учун қуйидаги енгиллик ва имтиёзларни



жорий этишга эришишни мақсад қилган: ер, мулк солиқларидан озод қилиш; коммунал тўловларда имтиёзлар бериш; шаҳарларда жамоат транспортидан бепул фойдаланиш (нафақат метро, балки бошқа жамоат транспортларидан ҳам); «Тошкент шаҳри фахрийси» унвонини нафақат чет эл, балки Ўзбекистон фуқароларига ҳам бериш; экологик номақбул ҳудудларда яшаётган пенсионерлар нафақасини ҳисоб-китоб қилишда экологик коэффициент механизмини шакллантириш».

Очиғини айтиш керакки, бундай масалаларни ҳал қилишга асос бўладиган қонун ҳужжатларининг бирон-бир партия фракцияси томонидан амалга оширилиши амри маҳол. Биринчидан, қонунларга ўзгартириш киритиш учун парламент аъзоларининг ярмидан кўп овози керак, иккинчидан, бунинг учун молиявий ресурс етарли бўлиши лозим, учинчидан эса бундай масалаларни ҳал этиш партия ваколатига кирмайди. Энг қизиғи, Экологик партия Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Кенгаши ҳузурида ёшларнинг экологик маънавиятини шакллантиришга кўмаклашиш комиссиясини ташкил қилишни ҳам мўлжалламоқда. Ваҳоланки, таҳририят томонидан ёшлар эмас, балки нуронийлар манфаатига оид савол берилган.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси ўринбосари Миродил Абдураҳмонов «ЎзМТДП томонидан илгари сурилган ижтимоий хизматлар, жумладан, коммунал хизматлар учун то-



фалашган ва индивидуал тўлов тизими, яъни истеъмолчининг тўлов қобилияти, касби ва ижтимоий аҳволидан келиб чиқиша асосланган қоидаларни жорий этиш ташаббуси (партия бажармайди, ташаббус кўрсатади!) га дахлдор саволга нисбатан жўяли жавоб берган. Зеро, партия Қонунчилик палатасидаги фракцияси воситасида ташаббус кўрсатиши, масалани кун тартибига киритиши мумкин. Бинобарин, М.Абдураҳмоновнинг «...кекса авлод вакиллари саломатлигидан доимо хабардор бўлиш мақсадида партиянинг «Уйма-уй» лойиҳаси доирасида хонадонларга бориб, нуронийлар ҳолидан хабар олинмоқда», деган сўзлари фаолият қамрови, манзили ва миқдорини аниқ ифодаламагани учун хийла мавҳум бўлиб қолган.

Кўриниб турибдики, сайлов компаниясининг қизғин палласида сиёсий партиялар ўзларининг сайловолди Платформаларини демократик тамойиллар асосида халқ ўртасида кенг ташвиқот-тарғибот қилиш ўрнига, ижро ҳокимияти ва бошқа давлат тузилмалари бажарган ишларни ўзиники қилишга уринмоқдалар. Сиёсий партия сайловчиларга қандай ваъдалар беришидан қатъий назар, кўзда тутилган ишларни сайловда ғалаба қозонган тақдирдагина қонунларга ўзгартириш киритиш, янги қонун лойиҳасини тайёрлаш ташаббуси билан чиқиш ёки парламент назорати воситасида ижро ҳокимияти тизимига таъсир қилиш орқали амалга ошириши мумкинлигини қайд этиш лозим. Зеро, партия — давлат эмас, балки фуқаролик жамияти институти — жамоат бирлашмасидир.

**Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**сиёсий фанлар доктори,**
**профессор**



## Ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш бўйича қуйидагиларни таклиф қиламан!

**1. Меҳрибонлик уйларида бола асраб олишга доир тартибларни соддалаштириш керак. Яъни, бола асраб олмоқчи бўлган оилалар зарур ҳужжатларни таҳлаб олгунларигача 1 ойлик чақалоқ бир неча ёшга кириб, токи асл ота-онаси улар эмаслигини билиб қолмасин. Ёки бола асраб олмоқчи бўлган юртдошларимиз азбарои югур-югури кўплигидан хафсалалари пир бўлиб, ниятларидан қайтмасинлар.**

**2. Меҳрибонлик уйининг вояга етган тарбияланувчиларига ҳамда 1- ва 2- гуруҳ ногиронларига фоизсиз, гаровсиз ҳамда бюрократик тўсиқларсиз кредит бериш тизимини йўлга қўйиш, кредит муддати тугагунча солиқлардан имтиёз бериш ёхуд умуман озод қилиш керак. Бунда тарбияланувчилар ва дори-дармонига аранг маблағ топаётган ногиронлардан 50 млн. кредит учун гаровга машина ё кўчмас мулк талаб қилиш ўринсиздир. Албатта, бундай таклифлар амалиётга жорий этилса, давлат бюджетига зарар етиши ҳам мумкин. Аммо бу яқин келажакда бюджетдан ижтимоий соҳага ажратиладиган маблағлар миқдорининг камайишига олиб келади.**

**Қадрли ватандош! Фикр қилинг. Биз айрим юртдошларимизга ейиш учун балиқ бергандан кўра, унинг қўлига қармоқ тутқазиб, балиқ тутишни ўргатайлик!**

**Мирзоозод МИРЗАНЕЪМАТОВ,**
**Наманган давлат университети,**
**«Ижтимоий иш» йўналиши 2-босқич талабаси**



Ҳуқуқий маданият

## Ихтиёрий-мажбурият амалиётига чек қўйиладими?

**Демократик давлат барпо этишнинг асосий шартларидан бири бу – шубҳасиз, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ҳамда ҳар бир фуқарода қонунларга ҳурмат ва итоат қилиш туйғусини қарор топтиришдан иборатдир. Бугун ҳаётимизда юз бераётган таъмагарлик, коррупцион ҳолатларнинг асосий сабаби ҳам аслида қонун-қоидаларни билмаслигимиздадир.**

Тошкент шаҳридаги мактаблардан бирида ишлаётган ўқитувчининг билдиришича, Халқ таълими вазирлигининг хати ва унинг асосида тайёрланган Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ҳамда туман халқ таълими бўлими бошлиқларининг буйруғига кўра, мактабда ўн ва ундан катта ёшдаги ўқувчилардан 4460 сўм, ўқитувчилардан эса 8920 сўмдан оммавий равишда «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамиятига аъзолик бадали йиғилган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги ва «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунларга асосан ҳар қандай нодавлат нотижорат ташкилотига аъзолик ихтиёрийлик асосида амалга оширилиши лозим.

Жумладан, мактабларда «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамиятига аъзолик бадали йиғиш ҳам ихтиёрийлик асосида амалга оширилиши лозим. Агар сиз ўз хоҳишингиз билан жамият аъзолигига кирсангиз, бадал тўлашга мажбурсиз. Аъзоликдан истаган пайтингизда чиқиб кетиш ҳуқуқига ҳам эгасиз. Шундай ҳолатларда ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни билмаганимиз боис емаган сомсага пул тўлашга мажбур бўламиз.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ўзининг сайловолди дастурида демократик жамиятни шакллантиришни жадаллаштириш ва бу борадаги ислоҳотлар муваффақияти кўп жиҳатдан фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятига боғлиқлигини қайд этиб, фуқароларда ҳуқуқий онг ва маданиятни ошириш учун тизимли ишлар олиб боришни ўзининг асосий вазифаларидан бири, деб ҳисоблайди.

Зеро, ҳуқуқий онг фуқароларнинг ҳуқуқий билим-савиясини белгиласа, ҳуқуқий маданият инсоннинг қонунларга амал қилиш даражасини белгилайди.

**Умида АЗИМОВА,**
**Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод**

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари" шиорига таянган "Инсонни ўзгартириш орқали жамиятни ўзгартириш" ғояси билан янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислоҳотларда фаол иштирок этишни мақсад қилган.

41 Янгидала сайлов округи
Мадатов Омон Бахриддинович

45 Янги қишлоқ сайлов округи
Норбеков Шерзод Бахромович

49 Баланд чақир сайлов округи
Раҳмонбердиев Муродбек Каримбердиевич

52 «Кўйтош» сайлов округи
Хўжабеков Жамшид Абдулманноб ўғли

55 «Мирзабулоқ» сайлов округи
Отамуродов Абдурасул Абдураимович

42 Пахтакор сайлов округи
Отажонова Озодахон Баходиржоновна

46 Фориш сайлов округи
Боботоев Бек Худойбердиевич

50 Совот сайлов округи
Абдураҳмонова Сабоҳат Абдуқаҳҳоровна

53 «Маданият» сайлов округи
Эгамова Лола Шариповна

56 «Ғўбдин» сайлов округи
Сулайманов Анвар Абдалиевич

43 Мингчинор сайлов округи
Хамдамова Рисолат Маридевна

47 Кораобдол сайлов округи
Қўлдошев Акмал Эсиргапович

51 «Янгиқўрғон» сайлов округи
Ачилов Акрам Машарипович

54 "Гулистон" сайлов округи
Каракулова Дилноза Исаметдиновна

57 «Жийдали» сайлов округи
Хусанов Азизбек Неъматуллаевич

44 Гулистон сайлов округи
Низомов Убайдулла

48 Эгизбулок сайлов округи
Янгибоева Саодат Шодмоновна

> ПАРТИЯ МУРУВВАТ, КЕЧИРИМЛИЛИК, ИНСОНПАРВАРЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК КАБИ ОЛИЖАНОБ ФАЗИЛАТЛАРНИ СУД АМАЛИЁТИГА ЖОРИЙ ЭТИШ СОҲАСИДА МОНОПОЛ ФАОЛИЯТ, ШУНИНГДЕК, ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНБУЗИЛИШЛАР, ХУСУСАН, ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТМАГАНЛИК, ТАШХИС ВА ДАВОЛАШ БЎЙИЧА НОТЎҒРИ МАЪЛУМОТНОМА БЕРГАНЛИК ВА БОШҚА ҲОЛАТЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ВА ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАШ ТАРАФДОРИ
>
> «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАН

1 Дўстлик сайлов округи
Камолова Муаззам Жалил қизи

7 Отбозор сайлов округи
Муродов Нусрат Муртазоевич

13 Фурқат сайлов округи
Зокиров Нодир Юлдашевич

19 Қавола сайлов округи
Темирова Диловар Саъдуллаевна

22 Кумушкент сайлов округи
Мирзаев Асатулло Хасанович

2 Варахша сайлов округи
Ҳусейнова Абира Амановна

8 Дилкушо сайлов округи
Тошев Даврон Бўронович

14 Қоровулбозор сайлов округи
Рахмонова Шахноз Ҳамроевна

20 Вобкент сайлов округи
Мухаммедов Махсуд Муродович

23 Янгиҳаёт сайлов округи
Файзуллоев Нўъмонжон Олимжонович

24 Ромитан сайлов округи
Барноев Тўлқин Тўраевич

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ

# БУХОРО ВИЛОЯТИ КЕНГАШИГА

## «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!

3 Ёшлик сайлов округи
Очилов Миршод Мустафо ўғли

9 Ширбудин сайлов округи
Қудратова Дилором Маматовна

15 Лоша сайлов круги
Қобилова Дилрабо Шариповна

4 Пиридастгир сайлов округи
Тўйева Шаҳло Амоновна

10 Ўба чўли сайлов округи
Базаров Йўлдош Юсуфжанович

16 Маданият сайлов округи
Салаева Зебо Викторовна

5 Гавкушон сайлов округи
Хожиева Зиёда Мухаммадовна

11 Тўтикунда сайлов округи
Тошева Ҳафиза Ҳамроевна

17 Чорбакр сайлов округи
Шукуров Суннат Азимович

> ПАРТИЯ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚАДИМИЙ ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРИ ТАРИХИЙ ҚИЁФАСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, БУТУН ИНСОНИЯТНИНГ МАДАНИЙ МЕРОСИ БЎЛГАН ТАРИХИЙ ЖОЙЛАР, АРХИТЕКТУРА ЁДГОРЛИКЛАРИНИ САҚЛАШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШ БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИК НОРМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ. ЖУМЛАДАН, МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ РЕСТАВРАЦИЯ ҚИЛИШ ИНСТИТУТИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ, АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА АРХЕОЛОГИЯ ИНСТИТУТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ, ШУ СОҲАДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТУВЧИ ИЛМИЙ ҲАМДА ТЕХНИК ХОДИМЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ВА МОДДИЙ ЖИҲАТДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА АНИҚ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ ЗАРУР, ДЕБ БИЛАДИ.
>
> «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАН

6 Бахор сайлов округи
Аслонов Мадамин Мансурович

12 Темирйўлчи сайлов округи
Абдуллаева Зебинисо Рахмоновна

18 Галаосиё сайлов округи
Қиличева Дилбар Очиловна

21 Янгикент сайлов округи
Баракаев Нусратулло Ражабович

25 Қалайчорбоғ сайлов округи
Қурбонов Завкий Камолович

Биз мамлакатимиз пойтахти ва ҳудудларни, шаҳар ва қишлоқларни ўзаро уйғун ривожлантириш, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда ҳудудлар бўйича айрим номутаносибликларга барҳам бериш тарафдоримиз.

**26** Челонгу сайлов округи

**Саломов Фузули Жамолович**

**27** Боғитуркон сайлов округи

**Саматов Бахтиёр Баҳодирович**

**28** Шўрча сайлов округи

**Ҳасанов Фарҳод Рўзибоевич**

**29** Хумдонак сайлов округи

**Баракаев Одил Олимович**

**30** Хумин сайлов округи

**Рустамов Ҳаким Шарипович**

**31** Қароли сайлов округи

**Хидирова Мавлюда Бекмуродовна**

**32** Навработ сайлов округи

**Усмонов Турғун Тилакович**

**33** Жондор сайлов округи

**Эргашева Лола Фарходовна**

**34** Далмун сайлов округи

**Шеров Ортиқ Орзиқулович**

**35** Янгибозор сайлов округи

**Норов Абдулла Олимович**

**36** Зандани сайлов округи

**Нурмухаммедов Ҳусниддин Нажмиддинович**

**37** Қальайи-Миришкор сайлов округи

**Очилова Зулфия Тўраевна**

**38** Пешкў сайлов округи

**Шаропова Ҳурмат Шарифовна**

**39** Қалмоқон сайлов округи

**Солиев Дамиржон Нурматович**

**40** Жўйнав сайлов округи

**Ғаффорова Гулшод Ғаффуровна**

**41** Ўзбекистон сайлов округи

**Аҳмедова Шоира Неъматовна**

**42** Дўрмон сайлов округи

**Неъқадамова Нодира Аслоновна**

**43** Жўйрабод сайлов округи

**Сулаймонов Шодмон Султонович**

**44** Қўрғон сайлов округи

**Ҳайдаров Шуҳрат Орифович**

**45** Бобур сайлов округи

**Хамроева Нафиса Рахматовна**

**46** Сармижон сайлов округи

**Халимова Роҳат Толибовна**

**47** Зарафшон сайлов округи

**Умаров Мустафо Исаевич**

**48** Соҳибиён сайлов округи

**Ахатова Гулнора**

**49** Ғовшун сайлов округи

**Нарзуллаев Абдулла Ибодуллаевич**

**50** Улфатбиби сайлов округи

**Бакаева Нилуфар Сафоевна**

**51** Халқобод (Зарангари) сайлов округи

**Ғуломов Аҳрор Аминович**

**52** Амиробод сайлов округи

**Асланова Гулшод Бобоқуловна**

**53** Қозон сайлов округи

**Жабборов Сардор Бегижонович**

**54** Сайёт сайлов округи

**Мамараимова Зуҳра Ахмадовна**

**55** Човли сайлов округи

**Рўзиев Темир Ражабович**

**56** Жиғачи сайлов округи

**Муродов Маъруфжон Яхёевич**

**57** Дарғали сайлов округи

**Шаниязова Мойира Ражабовна**

**58** Чорбоғ сайлов округи

**Чориев Ҳамробой Ҳайитбоевич**

**59** Чандир сайлов округи

**Олтиев Зиёдулло Севиндикович**

**60** Жумабозор сайлов округи

**Каримова Гулшан Рахматбоевна**



# Бу сафарги хато кечирилмайди

**15** йилдан буён аҳоли билан ишлайман, ҳали у, ҳали бу масалада эксперт сифатида фуқаролар мурожаатларини ўрганиб келаман. Лекин, бу сафарги мулоқотлар юртдошларимизнинг кескин ўзгарганини, ҳуқуқий маданияти ошиб, талабчан бўлиб қолганини кўрсатяпти. Сайловчилардан “Бизга халқ хизматини қиладиган депутат керак, эртага йўқолиб қолмайдиган, чарчамайдиган вакил керак!” деган хитобларни эшитяпмиз. Шу сабаб ўзимни номзод сифатида эмас, бир сайловчи, шу ҳудуднинг фуқароси сифатида ҳис қилиб, ўртага ташланаётган муаммоли масалаларни қиёсий таҳлил қилишга уриняпман. Бунда биз – номзодлар асосан партиямизнинг сайловолди дастурига таяняпмиз.

**Биринчидан,** унда илгари сурилаётган узлуксиз тарбия тизимининг жорий этилиши тўғрисидаги ғоя ҳеч кимни бефарқ қолдирмаяпти. Яъни, биз «ё ҳаёт – ё мамот” масаласи бўлган миллий тарбияни тизимга солиш учун «Тарбия асослари тўғрисида”ги қонун ва «Узлуксиз тарбия асослари Концепцияси”ни яратиш бўйича аниқ таклифлар билдиряпмиз.

**Иккинчидан,** Парламентни чинакам «халқ уйига” айлантириш учун «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари тўғрисида”ги ва «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар назорати тўғрисида”ги қонунларни қабул қилиш тўғрисидаги таклиф шубҳасиз, яқин келажакда «учбурчак ижро назорати” тизимини яратиш имконини беради.

**Учинчидан,** дастуримизда «Миграция тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш ва Ўзбекистон фуқароси қандай шароитда бўлмасин, унинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш ниҳоятда долзарб экани аҳоли томонидан эътироф этиляпти.

**Тўртинчи масала** – дори-дармон воситаларининг нарх-навоси ва сифатини назорат қилиш, халқ табобати тизимини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини муҳофазалашда бундан буён аниқ тадбирлар белгилаш, айнан шунинг учун ҳам партиямиз навбатдаги даврда «Халқ табобати тўғрисида”ги қонун ҳамда Соғлиқни сақлаш кодекси лойиҳасини яратишни ўз олдига мақсад қилган.

Умуман олганда, партиямизнинг сайловолди Платформасидан ўрин олган масалалар, инсонни ўзгартириш орқали жамиятни ўзгартириш йўлидаги ташаббуслар сайловчиларимизни эътиборсиз қолдирмаяпти. Улар бу борада ўзларининг қимматли фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдириб, юртимизда кечаётган сиёсий жараёнларга бефарқ эмасликларини намойиш қилишмоқда.

Сайловолди учрашувлари давомида партиямизнинг ўзбек тилининг мақомини ошириш, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, хотин-қизлар ва ёшлар манфаатини ҳимоя қилиш, оила институти ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлашга оид ташаббуслари ҳам айни халқимиз кўнглидаги масалалар эканини ҳис этяпмиз.

**Умиджон ЖАББОРОВ,**
**Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига 111-Фарғона сайлов округидан номзод**

” МАМЛАКАТИМИЗДА БОШЛАНГАН ЯНГИ ДАВР ТАЪЛИМ СОҲАСИГА ҲАМ АНИҚ ВА ҚАТЪИЙ ТАЛАБЛАР ҚЎЙМОҚДА. ПАРТИЯ АМАЛДАГИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАРБИЯНИНГ ЎРНИНИ ЕТАРЛИ ЭМАС ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ. “ОИЛА – МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ – МАКТАБ” ДАВРИНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН, ТАРБИЯНИ УСТУВОР ҲИСОБЛАЙДИГАН ТАРБИЯ ВА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ЭЪТИРОФ ЭТАДИГАН, БИЛИМЛИ, ЭРКИН ФИКРЛАЙДИГАН, ҲАЛОЛ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ ИНСОННИ ШАКЛЛАНТИРИШНИ УСТУВОР ВАЗИФА СИФАТИДА КЎРИШИ КЕРАК. ТИЗИМНИНГ НАТИЖАДОРЛИГИ ОИЛА, МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАРНИНГ ТИЗИМЛИ БАРТАРАФ ЭТИЛИШИНИ ТАҚОЗО ҚИЛАДИ.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАН

Биз электоратимизнинг интилиш ва орзу-умидларини рўёбга чиқаришни, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни муҳим вазифаларимиздан деб биламиз.

41 МИРИШКОР — Тилобов Абдиазиз Худойназарович

42 ДЎСТЛИК — Атаханов Ўткир Жуманович

43 ЧИРОҚЧИ — Жуманов Фармонкул Соатмуродович

44 ОХУНБОБОЕВ — Бобоев Илхом Абдурахмонович

45 ЖАР — Бобоева Нодира Махмудовна

46 БЕШЧАШМА — Боботов Фарход Худойбердиевич

47 ЧИЯЛ — Мухаммадиев Уктам Хусанович

48 КЎКДАЛА — Назарова Зебинисо Хакимовна

49 КЕШ — Мирзоева Феруза Абдумуминовна

50 ҒАФУР ҒУЛОМ — Рахматов Алимардон Хасанович

51 НАМАТОН — Холмуминов Алмардон Муминович

52 ШАМАТОН — Соатова Гулчирой Каримовна

53 ҚУТЧИ — Тураев Исок Латипович

54 МИРОҚИ — Ҳимматов Абдусалом Халилович

55 МЕВАЗОР — Абдуллаев Орзимурод Орифович

56 ЧАЙДАРИ — Бердиев Тошкан Боқиевич

57 ҚЎШЧИНОР — Янгибоева Юлдуз Абдирахматовна

58 ҚИШЛИҚ — Мухаммадиева Сайёра Эргашовна

59 ЭСКИ ЯККАБОҒ — Комалова Мехринисо Нафасовна

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ

# НАВОИЙ ВИЛОЯТ КЕНГАШИГА

## «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!

1 Гулистон сайлов округи — Муродова Нодира Куллиевна

2 Маърифат сайлов округи — Орзиева Дилбар Адизовна

3 Шифокор сайлов округи — Хайитова Раъно Зокировна

4 Ишонч сайлов округи — Кенжаев Сардоржон Собиржон ўғли

5 Дўстлик сайлов округи — Болтаева Гулчеҳра Шокировна

6 Меъмор сайлов округи — Буриев Фозилжон Азаматович

7 Гулзор сайлов округи — Ражабов Илхом Мустафоевич

8 Ватан сайлов округи — Жумаева Феруза Рузикуловна

9 Истиқлол сайлов округи — Шамиева Ойбаҳор Равшановна

10 Нарпай сайлов округи — Тошов Машрабжон Тоирович

11 Маданият сайлов округи — Олимов Элёржон Маҳаммадович

12 Жалойир сайлов округи — Ражабов Акбар Акрамович

13 Кармана сайлов округи — Эгамбердиев Жавохир Маратович

14 Янгиариқ сайлов округи — Ходжаева Замира Исроиловна

15 Хончарбоғ сайлов округи — Исматов Хусен Рахматович

16 Дўрман сайлов округи — Шомиева Наргис Ўктамовна

17 Маликработ сайлов округи — Манглиева Журагул Хамроқловна

18 Қизилтепа сайлов округи — Исломов Ўктам

19 Пахтаобод сайлов округи — Темиров Жобир Жамолович

20 Арабон сайлов округи — Шабонова Маҳбуба Исмоиловна

21 Зарметан сайлов округи — Шарипов Шухрат Исроилович

22 Тошмачит сайлов округи — Шарипов Азиз Асадович

23 Бўстон сайлов округи — Каримова Машҳура Салимовна

24 Ғардиён сайлов округи — Темиров Жамил Джамолович

25 Хўжа Ҳасан сайлов округи — Камолов Фахриддин Салохиддинович

26 Тошработ сайлов округи — Турсунов Кобул Бекназарович

27 Конимех сайлов округи — Садирова Фароғат Нишановна

28 Қизилқум сайлов округи — Туремуратов Ерлан Раймбекович

29 Зафаробод сайлов округи — Назаров Валижон Файзуллоевич

30 Учқудуқ сайлов округи — Кодирова Райхон Уразовна

31 Алтинтау сайлов округи — Нажмиддиновна Нафиса Зайниддиновна

32 Томди сайлов округи — Досмуратова Жазира Оразалиевна

33 Олтин водий сайлов округи — Туляганов Боходир Абдукодирович

34 Кончилар сайлов округи — Акрамова Нодира Хабибовна

35 Ёшлик сайлов округи — Ишанкулова Камилла Алишеровна

Партия мамлакатда ўрта қатламнинг кўпайиши тарафдори бўлиб, аҳолининг ўрта қатламида қаноат ва шукроналик, бой қатламида масъулият ва маънавий қадриятларни эътироф этиш, олийжаноблик каби хислатларни оширишни тарғиб этади. Аҳолининг реал даромадлари ва харид қобилиятини ошириш, даромадлари бўйича табақаланиш даражасини пасайтириш тарафдори.

36 Наврўз сайлов округи — Носирова Дилнавоз Илхомовна

37 Зарафшон сайлов округи — Мустакимов Отабек Маннабиевич

38 Боғчакалон сайлов округи — Тухтаева Розия Болиевна

39 Янгийўл сайлов округи — Тошева Анора Сафаровна

40 Кўксарой сайлов округи — Пулатов Беҳзод Баҳодирович

41 Олчинобод сайлов округи — Абдиев Ойбек Исақулович

42 Ўзбекистон сайлов округи — Мардонов Дилшод Баҳодирович

43 Оқ дарё сайлов округи — Уринов Тохир Ботирович

44 Сарой сайлов округи — Мукимов Акрамжон Кодирович

45 Миёнқол сайлов округи — Қулдошев Элёр Мингашарович

46 Янгирабод сайлов округи — Тошева Нодира Исроиловна

47 Мустақиллик сайлов округи — Холбутаева Замира Махмудовна

48 Олтинсой сайлов округи — Қабилов Сайдулла Муродуллаевич

49 Туркистон сайлов округи — Ражабов Фахриддин Ахматович

50 Олчин сайлов округи — Қудратов Зоҳид Музаффарович

51 Навбаҳор сайлов округи — Абдиев Зокиржон Жаханкулович

52 Бешработ сайлов округи — Бўриев Анвар Нормаматович

53 Кескантерак сайлов округи — Юлдашев Элёр Хасанович

54 Янгикўрғон сайлов округи — Мирзаева Гулиза Ризоқуловна

55 Навоий сайлов округи — Эрназарова Манзура Сапарбоевна

56 Ғозғон сайлов округи — Рахимов Тохир Ахмедович

57 Нодира сайлов округи — Эшбоев Темир Абдирасулович

58 Бобур сайлов округи — Файзиева Феруза Мардоновна

59 Чуя сайлов округи — Хидирова Дилшода Тойирқуловна

60 Сентоб сайлов округи — Содиков Норчабой Сарибоевич

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ

# СИРДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИГА

## «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!

1 Маданият сайлов округи — Қўйлиева Гулчехра Назарқуловна

2 Аҳиллик сайлов округи — Нурмухамедов Ахмад Анварович

3 Навбаҳор сайлов округи — Таджиев Улугбек Канимкулович

4 Намуна сайлов округи — Алимова Барно Абдинабиевна

5 Бўстон сайлов округи — Холматова Дилором Элчиевна

6 Бунёдкор сайлов округи — Қосимова Мухаббат Бахтиёровна

7 Деҳқонобод сайлов округи — Холдаров Закир Хужабекович

8 Наврўз сайлов округи — Пардаев Босим Хасанович

9 Нурафшон сайлов округи — Боқиев Фарход Эсанович

10 Мирзачўл сайлов округи — Давкаров Худойберди Маматқулович

11 Оқолтин сайлов округи — Соатов Норбобо Холиярович

12 Фарғона сайлов округи — Шаробидинов Илхом Абдурахмонович

13 Истиқлол сайлов округи — Нурматов Шерзод Гулямович

14 Иттифоқ сайлов округи — Жўраев Саъдулла Сиддиқжонович

15 Нуробод сайлов округи — Худайбердиев Алимжон Рустамович

16 Шодлик сайлов округи — Суюнов Илхом Анварович

17 Гулистон сайлов округи — Джавлонов Тохир Ботирович

18 Ўзбекистон сайлов округи — Ҳусанова Гавҳар Мамаражабовна

19 Ҳақиқат сайлов округи — Камалидинова Эътибор Махбубуллаевна

20 Пахтазор сайлов округи — Исаев Хайитбой Жаббарович

21 Малик сайлов округи — Хайдаров Диёрбек Эргашевич

22 Бахт сайлов округи — Фозилов Учкун Зарпуллаевич

23 Турон сайлов округи — Рахматуллаев Нугмат Асатович

24 Халқобод сайлов округи — Қамбаров Сирожиддин Махмудович

25 Ойбек сайлов округи — Зарипов Мухитдин Срожидинович

26 Ёшлик сайлов округи — Эшмурадов Салим Рўзимурадович

27 Обод юрт сайлов округи — Қурбонбоева Шоира Рахматуллаевна

28 Маърифат сайлов округи — Обидова Инобат Рахимовна

29 Сайқал сайлов округи — Бекназарова Барно Умаркуловна

30 Ширин сайлов округи — Норматов Улуғбек Эрмаматович

**Олий Мажлиснинг ҳукумат фаолияти устидан назоратни амалга оширишга оид ваколатларини босқичма-босқич кенгайтириш, хусусан, “электрон парламент”, “электрон парламент назорати”, “парламент назорати портали”ни жорий этиш тарафдоримиз.**

31 Ховос сайлов округи — Алимов Рахмон Каримович

32 Ховособод сайлов округи — Назаров Насим Холбекович

33 Қахрамон сайлов округи — Раджабов Турсунбой Эгамбердиевич

34 Гулбаҳор сайлов округи — Турдиқулова Ўғилжон Орзиқуловна

35 Сохибкор сайлов округи — Суюнов Фазлиддин Жуманович

36 Янгиқишлоқ сайлов округи — Эшманова Тожинор Ташановна

37 Қуйитош сайлов округи — Қўшбоков Файзулла Рахматуллаевич

38 Чўлқувар сайлов округи — Ўтаев Қурбон Сайдуллаевич

39 Янгиобод сайлов округи — Кенжаева Марварид Эсоновна

40 Жўлангар сайлов округи — Алиев Алишержон Аблоқулович

41 Дарвозақир сайлов округи — Бурхонов Раззоқ Бахромович

42 Боёвут сайлов округи — Шоимкулов Абдижалил Мухамадиевич

43 Олмазор сайлов округи — Шакиров Иномжон Данаевич

44 Дўстлик сайлов округи — Алимкулов Бердьмурат Сайидович

45 Қарапчи сайлов округи — Ғафурова Дилбар Рўзиевна

46 Марказ сайлов округи — Сувонқулов Бобуржон Гупронқулович

47 Кўнчи сайлов округи — Садиқов Миршариф Эркинович

48 Шодиёна сайлов округи — Турдиева Олия Абдувахидовна

49 Улуғбек сайлов округи — Анорқулова Дилбар Ҳамдамовна

50 Зарбдор сайлов округи — Мустафақулова Мухаббат Махмудовна

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ

# ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИГА

## ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР

1 Жомий сайлов округи — Камолов Зиёдулло Хамидович

2 Мирзо Улуғбек сайлов округи — Ғаниев Шухрат Мадаминович

3 Ойбек сайлов округи — Саидходжаев Собирходжа Султонходжаевич

4 Ал-Фарғоний сайлов округи — Исламова Хурсаной Низомовна

5 Бобур сайлов округи — Сидиқова Энахон Абдурахимовна

6 Беруний сайлов округи — Норматов Тохир Кахрамонович

7 Ш.Рашидов сайлов округи — Бутабаев Абдушукур Абдураимович

8 Қувасой сайлов округи — Раимжонов Нуриддин Набижон ўғли

9 Темирйўл сайлов округи — Ғаниев Хайрулло Мухамедович

10 Истиқлол сайлов округи — Маматқулов Адхам Умарович

11 Увайсий сайлов округи — Ходжаева Дилноза Шавкатовна

12 А.Навоий сайлов округи — Сулаймонов Азизбек Бахтиёрович

13 Ипакчи сайлов округи — Касимова Дилафруз Шавкатовна

14 Ёркин сайлов округи — Мадаминов Рустам Тожиматович

15 Ал-Марғилоний сайлов округи — Мадумаров Ғуломали Мусаевич

16 Нодирабегим сайлов округи — Акбарова Муатархон Баходировна

17 Яккатут сайлов округи — Усмонова Муаттар Адхамовна

18 Бешариқ сайлов округи — Эргашева Моҳидил Йигиталиевна

19 Рапқон сайлов округи — Ёрматов Ҳусниддин Садриддинович

20 Бағдод сайлов округи — Абдусатторов Юсубжон Мирзаолимович

21 Ибн-Сино сайлов округи — Хурбоев Машрабжон Холдарович

22 Хазиний сайлов округи — Жўраев Ҳабибулло Абдусаломович

23 Янгикўрғон сайлов округи — Тургунова Барнохон Набиевна

24 Бегобод сайлов округи — Топволдиев Жахонгир Анварович

25 Бувайда сайлов округи — Энazаров Иззатилла Саибович

26 Данғара сайлов округи — Тўйчиева Сайёра Холмирзаевна

27 Мулкобод сайлов округи — Мақсудов Ўткирбек Адашевич

28 Оқжар сайлов округи — Акбарова Ўктамхон Бегмирзаевна

29 Ёзёвон сайлов округи — Масобиров Дилшоджон Ботирович

30 Хонобод сайлов округи — Худойбердиев Элёрбек Хатамович

31 Қува сайлов округи — Мўминов Машрабжон Ғуломович

32 Т.Қодиров сайлов округи — Ахраров Бахтиёр Мирзалиевич

33 М.Шербўтаев сайлов округи — Хусанов Собирхон Адилхўжаевич

34 Деҳқонобод сайлов округи — Абдурахмонов Абилжон Абдусаматович

35 Тинчлик сайлов округи — Рахматова Насиба Мирзабахромовна

Мамлакат ичкариси ва ташқарисида ўзбек тилини ўрганиш учун шароит яратиш, шу жумладан, ўзбек тилини ўргатишга йўналтирилган бепул онлайн платформаларни яратишга кўмаклашамиз.

36
Олтиариқ сайлов округи

Саидов Саиджон Шокиржон ўғли

37
О.Мадалиев сайлов округи

Мирзамаҳамедов Улуғбек Мирзаакбаржонович

38
А.Алигавҳаров сайлов округи

Умарова Гулмира Хамдамовна

39
Ал-Хоразмий сайлов округи

Мамажонов Икромжон Маъруфжонович

40
Пахтакор сайлов округи

Махмудова Робахон Анваровна

41
Риштон сайлов округи

Юнусов Бунёд Алижонович

42
М.Топволдиев сайлов округи

Додобоева Диломхон Тухтасиновна

44
Сўх сайлов округи

Усмонова Гулноза Желоновна

46
Тошлоқ сайлов округи

Халилова Зиёдахон Хошимовна

47
Заркент сайлов округи

Эгамбердиев Шухратбек Камолитдинович

48
Қумариқ сайлов округи

Холбеков Нодирбек Умматович

49
Ғаниобод сайлов округи

Тожибоев Шухрат Абдурахмонович

50
Яйпан сайлов округи

Отабоева Нигора Муродовна

51
Қораёзбобо сайлов округи

Нуралиев Ахрожон Мухаммадалиевич

52
Учкўприк сайлов округи

Абдуллаев Рўзали Азимович

53
А.Қодирий сайлов округи

Отажонов Сахобиддин Шаробиддинович

54
Ғ.Ғулом сайлов округи

Джалилов Дилшод Турсунмуродович

55
Водил сайлов округи

Собирова Дилфуза Урмановна

56
Аввал сайлов округи

Махсумжонова Умида Анваржоновна

57
Х.Олимжон сайлов округи

Турсунова Рахимахон Алиевна

58
Ҳувайдо сайлов округи

Акбарова Зухро Акмалжоновна

59
Фурқат сайлов округи

Турсунов Жўрабек Эгамбердиевич

60
Муқимий сайлов округи

Юнусов Махаматали Юсупович

**«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!**

# Биринчи ўзбек депутатлари ким бўлган?

**XIX асрнинг сўнггида бошланган сиёсий жараёнларда мамлакатимиз ҳудудида ташкил топган сиёсий партиялар, ҳаракатлар ва уларнинг фаоллари — илк маҳаллий аҳоли орасидан етишиб чиққан депутатларимиз, уларнинг фаолияти ҳақида кўпчилик етарлича маълумотга эга эмас. Шу боис, бугун юртимиз ҳудудида илк сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва биринчи депутатларимиздан Абдувоҳид Қориев ҳақида тўхталамиз.**



### Сиёсий партияларга қандай эҳтиёж бор эди?

XIX асрнинг сўнгги йилларида Россияда иқтисодий-сиёсий ислоҳотлар ўтказилишини талаб қилишга қодир конституциявий мухолифатнинг йўқлиги сабаб аҳоли турмуш даражаси Ғарбий Европа давлатларига нисбатан жуда паст эди. Мавжуд ҳукмрон тузум эса ижтимоий ислоҳотларни амалга оширмасликдан манфаатдор эди. Бу мамлакатда турли гуруҳлар, уюшмалар пайдо бўлишига олиб келди. Шундай гуруҳлардан бири — Г.В.Плеханов раҳбарлик қилган «Меҳнатни озод қилиш» гуруҳи эди. 1883 йилда тузилган гуруҳ ҳокимиятни қуролли қўзғолон билан эмас, жамиятни ислоҳ қилиш орқали натижага эришиш тарафдори эди. Шунингдек, 1895 йилда Петербургда «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш иттифоқи» тузилди. 1898 йилга келиб эса шу каби гуруҳлар бирлашиб «Россия социал-демократик ишчи партияси» ташкил топди.

1905 йилнинг 9 январь санасида тарихда «қонли якшанба» номи билан машҳур бўлган воқеа содир бўлади. Унда подшонинг одиллигига ишонган петербурглик ишчилардан иборат 250 минг киши тинч намойишга чиқади. Бироқ подшо ўзидан эркинлик ва минимал иш соатини сўраган намойишчиларни отишга буюради. Бунинг ортидан норозилик кучайиб, мамлакатда деҳқонлар ҳаракати бошланиб кетди. Инқилобий ҳаракатлар айрим ҳарбий қисмларга ҳам таъсир кўрсатди. Воқеалар бундай тус олгач, Николай II ён беришга мажбур бўлади ва натижада манифест эълон қилди. Унда виждон, сўз, матбуот эркинлиги, йиғилиш ўтказиш ва турли иттифоқлар тузиш ҳуқуқи, шунингдек, қонун ишлаб чиқувчи ҳокимият — Давлат думаси(парламент) ни жорий этиш ваъда қилинди.

Тинч намойишга чиққанларни оммавий ўққа тутиш ва ундан кейинги инқилобий воқеалар давлат тизимини ислоҳ қилиш заруратини туғдирди ҳамда 1905 йилнинг 6 августида «Давлат думасини таъсис этиш тўғрисида» ва «Давлат думасига сайловлар тўғрисидаги низом» қабул қилинди. 1906 йил февралида Давлат Кенгашига сайловлар бўлиб ўтди. У маслаҳатчи органдан парламентнинг юқори палатасига айлантирилди ва қонунчилик ҳуқуқи бўйича думага тенглаштирилди. Думага сайловлар 1906 йил февраль-март ойларида бўлиб ўтди.

**1938** **йилнинг 4 октябрида учлик қарори билан отилган бир гуруҳ миллатимиз зиёлилари:**

1. Фитрат
2. Абдулла Қодирий
3. Чўлпон
4. Пўлат Солиев
5. Ғози Олим Юнусов
6. Абдулҳай Тожиев
7. Акбар Исломов
8. Анқабой Худойбахтов
9. Санжар Сиддиқ
10. Қурбон Берегин
11. Аъзам Айюб
12. Отажон Ҳошимов



### Жадидлар бирлашиб сиёсий кучга айланди

1905-1906 йилларда Россияда содир бўлган инқилобий ҳаракатлар Туркистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Айниқса, халқимизнинг илғор ҳур фикрли намоёндалари — жадидлар бир ғоя атрофида бирлаша бошлади. Улар Россиядаги сиёсий жараёнларни диққат билан кузатиб, вужудга келаётган сиёсий партиялар дастурларини ўрганди. Айни пайтда улар тинчлик йўли билан ўз мақсадларини амалга оширишга интиларди. Бу хусусида фикр юритган Беҳбудий ўзининг 1906 йил 11 октябрда «Хуршид» газетасида чоп этилган мақоласида жадидлар бирлашиб ягона мусулмон партиясини тузиш ва Бутунроссия мусулмонлари иттифоқи таркибига киришлари зарурлигини таъкидлайди. Бу туркий халқлар орасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги энг мақбул йўл эди.

Туркистонда сиёсий партиялар фаолиятини ўрганган француз разведкачиси майор Лякоста 1906 йилда ўз мамлакатига йўллаган яширин маълумотида: «Туркистон ўлкасидаги энг эътиборли ва келажаги порлоқ сиёсий куч – социал демократлар (большевиклар ва меньшевиклар) ёки социал инқилобчилар (эсерлар) ёхуд кадетлар ва либераллар эмас, балки ўзбек жадидларидир», деб ёзган эди. Чунки жадид боболаримиз чоризмга қарши курашиш учун халқимизнинг сиёсий-маърифий онгини янада ривожлантириш, жамиятда ҳур фикрлилар сафини кенгайтиришни мақсад қилганди. Бу эса ўз-ўзидан мустамлакачи тузумни йўққа чиқаришга қаратилган катта юриш эди.

Ижтимоий-сиёсий куч сифатида кўринган жадидларни халқ ўз ҳимоячилари дея тан ола бошлади. Шу сабаб, Петербургда ўтадиган Давлат думасига аъзоликка сайланган илк депутатлардан бири Абдувоҳид Қориев зиммасига аҳолининг 12 моддадан иборат талабномасини Давлат думасига топшириш юклатилди. Бу ҳужжатда кўпгина ижтимоий талаблар кўрсатилган эди. Абдувоҳид қори 1907 йилда Петербургда Садри Мақсудий, Мусо Жориллоҳ, Алимардон Тўпчибошев каби мусулмон зиёлилари билан танишиб, мусулмон фракциясининг раиси Бигловга Туркистон халқи дардини етказди. Бироқ орадан кўп ўтмай, Абдувоҳид қори қамоққа олинди ва Тулага сургун қилинди.

### Абдувоҳид қори ким эди?

Жамоат ва дин арбоби, тажрибали педагог А.Қориев дастлаб Кўкча даҳалик мактабдор Ёқубхўжа эшондан эски усулда сабоқ олади. 1870-80 йилларда Эшонқули додхоҳ ва 1880-88 йилларда Бухородаги Эрназарбой мадрасаларида таҳсил олади. 1888-1906 йилларда Тошкент шаҳридаги Мир Абдуллабой масжид-мадрасасида имом, мударрис, Шайх Ҳованди Тоҳур даҳаси қозиси каби вазифаларни бажаради. 1906 йилда Тошкент шаҳри думаси аъзоси бўлади ва 1907 йилда ўтказилган сайловдан сўнг Россия Давлат думасининг депутати этиб сайланади. У Тула вилоятидаги 5 йиллик сургундан қайтгач, 1917 йил апрелгача мударрис, апрель ойидан «Шўройи ислом» раиси ва 1918 йилдан «Фуқаҳо» («Ҳуқуқшунослар») жамияти аъзоси сифатида фаолият юритади. Шунингдек, Ўрта Осиё маҳкамаи шария идорасининг раиси ҳам бўлади. 1923 йилда шу идора делегацияси таркибида Уфага бориб, Усмон Куръонини олиб келишда иштирок этади.

Албатта, бундай уйғоқ фикрли инсон ўша давр сиёсати учун душман эди. Шу сабаб, қаттол тузум сабаб А.Қориев 1937 йилда асоссиз равишда қамоққа олинади ва 1938 йилда қатағонлик сиёсати оқибатида ўлимга маҳкум этилади.

### Хулоса ўрнида

XIX асрнинг сўнгги йилларида Россияда иқтисодий-сиёсий ислоҳотлар осонликча юз бермади. Ўша вақтда ташкил топган Давлат думаси бир неча бор тарқатиб юборилиб, қайтадан ташкил этилди. Ана шу жараёнларда кўп қийинчиликлар эвазига Ўрта Осиё халқлари ҳам овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади ва биринчи марта Давлат думасига депутатлар сайланади. Уларнинг сиёсий фаолияти узоқ давом этмаган бўлса-да, мақсади улуғ эди. Зеро, уларнинг кўнглида озод ва обод Ватанда яшашдек эзгу ният бор эди.

**Жаҳонгир ҒАНИЕВ,**
**тарих фанлари номзоди**




## ИНҚИЛОБИЙ МУВАФФАҚИЯТ

# ОРТИДА КИМ ТУРИБДИ?

**Гарчи кейинги уч йил ОАВ учун бирмунча оғир кечган бўлса-да, айрим ҳамкасбларимиз учун айнан ўтиш даври кутилмаганда омадли келди. Хўш, тўртинчи ҳокимиятнинг ўша "айрим" омадлилари кимлар? Ушбу саволдан кейин аксарият ўқувчилар кўз ўнгида туб ўзгаришлар даврида жуда тез ва осон ном қозонишга муваффақ бўлган фуқаролик журналистикаси вакиллари намоён бўлиши табиий.**

Аммо узоқ ўрганишлар, тингловчи, томошабин ва ўқувчиларнинг адолатли хулосалари асосида Халқаро пресс клуб ижодкорлари туб ислоҳотлар даврининг омадли жарчиларига айландилар, десак хато бўлмайди.

Очиғини айтиш керак, Халқаро пресс клуб қисқа давр мобайнида қоронғуда йўл бошлашдек оғир, аммо бир вақтнинг ўзида ниҳоятда масъулиятли вазифани ўз зиммасига олди. Биринчи бўлиш оғир, албатта. Медиамаконда биринчи бўлиш эса...

Гарчи Давлат раҳбари ва бир қатор йирик соҳа мутасаддиларининг ушбу институт вакилларини доимо қўллаб-кувватлаб турганлари сезилса-да, Ўзбекистоннинг энг янги тарихида шаклланаётган эркин медиабозорга кириш осон кечмаслиги барчага бирдек маълум эди. Вазир у ёқда турсин, бошқарма бошлиғидан интервью олиш омад саналган ўша пайтларда номдор сенаторлар, йирик давлат ва нодавлат ташкилотлар раҳбарлари, ҳукумат аъзолари билан биринчи бўлиб жонли эфирга чиқиш айнан Халқаро пресс клуб пешонасига ёзилган экан. Осон бўлмади. Гапириш ҳам, гапиртириш ҳам, савол бериш ҳам, жавоб олиш ҳам.

Гўё матбуот тетапоя бўлаётган бола ҳолатини эслатарди. Аммо Халқаро пресс клубдагилар ўзларига билдирилган ишончни оқладилар. Ушбу тузилманинг ижтимоий тармоқларда, айниқса, ФБнинг ўзбек сегментидан мустаҳкам ўрин эгаллаши эса пресс клубнинг халқаро медиамаконда ҳам танилишига имкон яратди.

Шу ўринда бир мулоҳаза: Халқаро пресс клубнинг ташкил этилиши асосан ОАВ ходимлари орасида шов-шув уйғотган бўлса, унинг дастлабки чиқишлари энг чекка ҳудудлардаги юртдошларимизга ҳаяжон ва ўзига хос иккиланиш туйғусини ҳадя қилганини таъкидлаш жоиз. Ҳаяжон сабаби бу – сўз эркинлиги, ТВ орқали "сочлари оқарган" муаммоларнинг ҳам жонли эфирда тўғридан-тўғри муҳокама қилинаётгани бўлса, иккиланиш "эркинлик мавсумиймасмикин", деган саволга бориб тақаларди. Минг шукрки, хавотирлар ўзини оқламади. Кундан-кунга Пресс клуб ижодкорларининг овози баландроқ чиқа бошлади.

Гарчи Халқаро пресс клуб 2017 йилнинг 31 мартида рўйхатдан ўтган бўлса-да, ўз фаолиятини 2016 йилда, яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари арафасида эркин медиамайдон сифатида бошлаганини айтиш жоиз. Яъни, янги давр жарчиси янги давр ҳақида янгиликлар тарқатишни ҳали "тиши" чиқмай туриб бошлади.

Бир қарашда Халқаро Пресс клуб юзлаб таҳлилчилар, иқтисодчи ва ҳуқуқшунослар тер тўкаётган улкан жамоани эслатади. Аммо ўтган йиллар давомида эфирга узатилган 300 га яқин жонли мулоқотлар 10-12 кишилик гуруҳ томонидан ташкил этилди, десангиз биров ишонмайди. Аммо бу бор гап. Ўша пайтларда "эҳ аттанг, хато қилди, билмай гапириб қўйди" деган гапларни ҳам эшитдик.

Бу юртдошларимизнинг пресс клуб ва унинг ижодкорларига ўрганиб қолганларидан, уни йўқотиб қўйишдан қўрқаётганларидан эди. Вақт энг олий ҳакам деганларидек, биз пресс клуб билан бирга қадам ташладик. Ҳаяжонли лаҳзалар акс эттирганида, муаммоларни ҳал этишга кўмаклашганида у билан бирга бўлдик. Чегаралар очилганида қувондик, Мўйноққа сув борганида маҳаллий аҳоли билан бирга биз ҳам ҳаяжонга тушдик, уйсизларга уй берилиб, номи оқланганлар йиғлаганида пресс клуб билан бирга биз ҳам куйиндик. Бир сўз билан айтганда, ўзгаришларга биргаликда кўникиб, ҳадиклар, хавотирлар

> ҲА, ЧИНДАН ҲАМ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ТАШАББУСИ, ҚАТЪИЯТИ БИЛАНГИНА ТУБ ЯНГИЛАНИШ ВА ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИНИНГ БОШ ЖАРЧИСИГА АЙЛАНГАН ХАЛҚАРО ПРЕСС КЛУБГА ЖАМИЯТГА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ ВИРУСИНИ "ЮҚТИРИШ" ВАЗИФАСИ ЮКЛАТИЛГАНИНИ ЭНДИ-ЭНДИ АНГЛАЁТГАНДЕКМИЗ.

ортда қолганини бирга ҳис этдик.

Ва...

2019 йил Халқаро пресс клуб учун том маънода оғир меҳнат учун раҳматлар эшитадиган йил бўлди. Ш.Қудратхўжаев: "... мен неча йиллардан бери журналистикада фаолият олиб бораётган бўлсам, шунча вақт тажриба тўплаган эканман" дея ўтган йилларга ўзига хос тарзда изоҳ ҳам берди.

Бу гапларни 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари кунида Халқаро пресс клубга "Олтин қалам" миллий мукофоти топширилганида айтганди. Байрам муносабати билан Ш.Қудратхўжаевнинг ўзи ҳам "Меҳнат шуҳрати " ордени билан тақдирланди.

Ўшанда ҳамкасбларимиз орасида "биз ҳам лойиқ эдик, ана ёши катталар ҳам турибди..." деганлар бўлди. Узоқ йиллар матбуотда ишлаган устозларимиздан бири эса "Президент Халқаро пресс клуб ва сўз эркинлигини шу йўсин ҳимоя қилди" деганини эслайман...

Ҳа, чиндан ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси, қатъияти билангина туб янгиланиш ва ўзгаришлар даврининг




бош жарчисига айланган Халқаро пресс клубга жамиятга сўз эркинлиги вирусини "юқтириш" вазифаси юклатилганини энди-энди англаётгандекмиз.

Шу ўринда Халқаро пресс клубнинг "бош режиссери" аталаётган Ғулом Самадовнинг 2003-2012 йилларда хукумат селектори учун таҳлилий лавҳалар тайёрлаб, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг реал ҳолатини ҳукумат раҳбарига етказишга бош-қош бўлганини таъкидлаш жоиз. Таниқли журналистнинг қарийб ўн йиллик оғир меҳнати пресс клубда ўзига хос йўналишлар, мавзулар танлашда асқотди. Яна бир гап. Агар Ш.Қудратхўжаев "совет журналистикаси мактаби боласи"га унчалар ўхшамаса, Ғ.Самадов аксинча, самимий ва халқчил тили билан Пресс клубни халққа яқинлаштирди...

Бундан олти ойча муқаддам Ш.Қудратхўжаев "Ҳуррият" газетасига берган интервьюсида "Халқаро пресс клуб мавзуларини ҳаёт, вазиятлар, ислоҳотлар шиддати шакллантиради. Аниқроқ айтсам, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари, уларнинг кўп фикрлари халққа қизиқ бўлади, лекин биламанки, уларнинг барини одамларга кенгроқ тушунтириш, мағзини очиб бериш керак. Шунинг учун ҳам Халқаро пресс клубнинг кун тартибини мамлакатимиздаги ўзгаришлар, янгиликлар, янги қарорлар, янги йўналишлардан келиб чиққан ҳолда шакллантирамиз. Демак, кун тартибимизни ҳаётимиз белгилайди", деган эди.

Ўша суҳбатда Ш.Қудратхўжаев "кимдир келиб муаммоларимни ҳал қилиб беради, деган кайфиятда яшаш асли нотўғри. Жамиятдаги муаммоларни, оғриқли масалаларни барча иложи борича биргаликда ҳал қилишга уриниши керак. У тиббиёт соҳасими, балиқчиликми, ижтимоий-иқтисодий масалалармиi пресс клуб медиамайдон сифатида ўртага олиб чиқади, муаммоларга ойдинлик киритади, яъни ташхис қўяди, муҳокамага ташлайди ва йиғилганлар билан биргаликда ўша масалаларни ҳал қилишга уринади. Шу боис пресс клубдан муаммолар учун чоралар кутиш нотўғри", деган гапни ҳам айтганди.

Бизнингча, бугун ҳам ана шу мулоҳазалар долзарблигича қоляпти. Ўнта пресс клуб юзлаб кўрсатувлар тайёрласин, ўнлаб мутасаддиларни саволларга кўмсин, агар одамлар ўзгармаса, қарашлар, воқеликка муносабат ўзгармаса, жамият ўзгармай қолаверади...

Бугун жамиятимизни ўзгартирадиган муҳим жараён – сайловлар остонасида турибмиз. Халқаро пресс клуб бу жараёнда ҳам бош ролни ўзига олиб, миллионлаб юртдошларимиз ва партиялар ўртасида кўприкка айланди.

Медиамайдонда янграган кескин саволлар, кутилмаган хулосалар гўёки сиёсий партияларнинг мақсад-муддаоларини аҳолига таржима қилишга қаратилгандек.

Демак, Халқаро пресс клуб яқинда қўлга киритилган "Олтин кабутари"ни кўтарганча навбатдаги синов майдонидан ўтяпти. Энг муҳими, ушбу синов ҳам эркин сўз, эркин матбуот, эркин фуқаролик жамиятига йўл очишга хизмат қиляпти.

**Умид АРСЛОНБЕКОВ**

## Озарбайжон мақом усталари Ўзбекистонда

**Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Ҳайдар Алиев номидаги маданият маркази ташаббуси билан озарбайжонлик мақом усталарининг Тошкент ҳамда Самарқанд шаҳарида концерт дастурлари намойиш этилди.**

Дастлаб, Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театридаги концертда Озарбайжон Республикаси халқ артистлари Симара Иманова ва Забит Набизода, Озарбайжонда хизмат кўрсатган артист Соҳиб Пошозода, мақом устаси Парвиз Гасимов ҳамда қатор санъат усталари иштирокида гала-концерт уюштирилди.

Сўнгра Самарқанд шаҳрида концерт дастурлари давом этди. Эслатиб ўтамиз, Симара Иманова ва Забит Набизода анъанавий ўтказиладиган "Шарқ тароналари"нинг гран-присини қўлга киритган. Шунинг учун ҳам санъаткорлар ўзбек халқига ҳам анча яхши таниш, уларнинг чиқишлари самимий кутиб олинди

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Абдулазиз АККУЛОВ, Минҳожиддин МИРЗО, Нодир МУХТОРОВ, Акмал САИДОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Аброр ПЎЛАТОВ, Отабек ЖИЯНБОЕВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Шавкат ШАРИПОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ.

Бош муҳаррир:
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент- 100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

ТЕЛЕФОНЛАР:
(0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55,
Реклама ва маркетинг бўлими: 234-86-41,
Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74,
Бухгалтерия: 234-87-73.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррир:
Равшан МАҲМУДОВ
Навбатчи:
Моҳира БАХТИЁРОВА
Дизайн:
Маъмуржон ҚУДРАТОВ

Электрон почта:
gazeta@mt.uz / mtiklanish@mail.ru

ISSN 2010-7714

Газета «SHARQ» нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008-йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.

Адади – 20 200.
Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Ҳажми: 4 босма табоқ, офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими: 350х587
Буюртма – 1226
Босишга топшириш вақти 21.30. Топширилди 4.00

12345